



MINISTRY OF CULTURE OF UZBEKISTAN  
FERGANA REGIONAL BRANCH OF UZBEKISTAN  
STATE INSTITUTE OF ART AND CULTURE

# ORIENTAL ART AND CULTURE

ISSN 2181-063X

SCIENTIFIC  
METHODICAL  
JOURNAL

#3, III/2020

KOKAND



MINISTRY OF CULTURE OF UZBEKISTAN  
FERGANA REGIONAL BRANCH OF UZBEKISTAN STATE INSTITUTE OF  
ART AND CULTURE

# ORIENTAL ART AND CULTURE

ISSN 2181-063X  
SCIENTIFIC METHODOICAL JOURNAL  
VOLUME #3, III/2020



KOKAND

**Editor in chief**

Usmonov Shamsiddin Yulchiboyevich

*Associated Professor*

**Executive Secretary**

Turgunbaev Rashid Muxtorovich

*MSE*

**Бош муҳаррир**

Усмонов Шамсиддин Юлчибоевич

Доцент

**Масъул котиб**

Турғунбоев Рашид Мухторович

МИТ

**Editorial board**

T.Mirzayev

*Academician, Scientist-Folklorist*

S.Mannopov

*National artist of Uzbekistan, Professor*

I.Yuldashev

*Doctor of Philology, Professor*

M.Juraev

*Honored Worker of Culture, Doctor of Philology, Professor*

R.Maksudov

*Doctor of technical sciences*

M.Abdullayeva

*Honored mentor of youth of Uzbekistan, Professor*

R.Shukurov

*Candidate of Philology, Associated Professor*

R.Xolmatov

*Candidate of Historical Sciences, Associated Professor*

K.Yuldashev

*Honored Artist*

G.Xolikulova

*Candidate of Art Sciences*

A.Eminov

*Candidate of pedagogical sciences,*

*Associated Professor*

M.Xujaev

*Member of the union of writers*

E.Yuldashev

*PhD of Art Sciences*

O.Xasanov

*PhD of Political Sciences*

**Тахририят**

T.Мирзаев

*Академик, фольклоришунос олим*

C.Маннопов

*Ўзбекистон халқ артисти, профессор*

И.Йўлдашев

*Филология фанлари доктори, профессор*

М.Жўраев

*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, филология фанлари доктори, профессор*

Р.Максудов

*Техника фанлари доктори*

М.Абдуллаева

*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи, профессор*

Р.Шукуров

*Филология фанлари номзоди, доцент*

Р.Холматов

*Тарих фанлари номзоди, доцент*

К.Йўлдашев

*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби*

Г.Холикулова

*Санъатишунослик фанлари номзоди*

А.Эминов

*Педагогика фанлари номзоди, доцент*

М.Хўжаев

*Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси*

Э.Юлдашев

*Санъатишунослик фанлари PhD*

О.Хасанов

*Сиёсатишунослик фанлари PhD*

**Founder**

Fergana Regional Branch of Uzbekistan State Institute of Art and Culture

**Таъсисчи**

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Фарғона минтақавий филиали

18.	Dilnoza Cho‘liyeva, Azimjon Alarov BOLADA MUSIQIY DIDNI SHAKLLANTIRISH	112
19.	Хусен Хайруллоевич Джуроев, Зухро Собировна Баротова БУХОРО ВА ЎРТА ОСИЁДА МИНИАТЮРА МАКТАБЛАРИ	116
20.	Камолиддин Умаров РОЛЬ НАСЛЕДИЯ ВЕЛИКОГО АЛИШЕРА НАВОИ В МИРОВОЙ ЦИВИЛИЗАЦИИ	121
21.	Rakhmanova Hayatxon Mannonovna, Alieva Zuxra Inomjon qizi, Mannonova Ziyodahon Abduhamid qizi THE FIRST INTERNATIONAL HANDCRAFTERS FESTIVAL KOKAND 2019	127
22.	Зохиджон Абдуназаров, Дехқонов Равшан МИЛЛИЙ ЎЙИНЛАРИМИЗ ИШТИРОКИДА ЁШ АКТЁРЛАРНИ ТАСАВВУРИ ВА ДИҚҚАТИНИ ЧАРХЛАШ	134
23.	Жумабоев Наби Пардабоевич КАМОЛИДДИН БЕҲЗОДНИНГ ШАРҚОНА ТАСВИРИЙ САНЪАТ УСЛУБИ ВА АСАРЛАРИ ТАҲЛИЛИ	139
24.	Зохиджон Абдуназаров ТИМСОЛЛАР СИЙМОСИНИ ЯРАТИШ	146
25.	Очилова Айгул Худайбердиевна ЖЕЙМС ЖОЙС ПРОЗАСИДА АНАЛОГИЯЛАР ТИЗИМИ	151
26.	Н.Ж.Эшнаев, Т.Ғ.Маратов, Ғ.Мирзарахимова ЎЗБЕК МИЛЛИЙ КИНО САНЪАТИ ВА МАДАНИЯТИДА ПСИХОПРОФИЛАКТИК ХИЗМАТ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ	156
27.	Ш.Расулов ХАТТИ-ҲАРАКАТ САҲНА САНЪАТИ АСОСИ СИФАТИДА	166
28.	Ғофурова Муҳайё Абитджановна ЎЛЖАС СУЛАЙМОНОВ ШЕЪРЛАРИНИ ТАҲЛИЛ КИЛИШ ОРКАЛИ ЁШ АВЛОДНИ ВАТАНПАРВАЛИК РУҲИДА ШАКЛЛАНТИРИШ	172
29.	Ахмедова Д.О. ХОТИН-ҚИЗЛАР МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИНИНГ ИЖТИМОЙ ХУСУСИЯТЛАРИ	177
30.	Mamadaliyeva Umida Isroiljonovna ONA TILI VA ADABIYOT DARSLARINI INNOVASIYON YONDASHUV ASOSIDA TASHKIL ETISH MAVZUSIDA TAYYORLAGAN MAQOLASI	182
31.	Қахрамон Исмоилов ШАРҚИЙ ТУРКИСТОНДАГИ ТАСАВВУФ ТАРИҚАТЛАРИГА МУНОСАБАТ	187
32.	Худойбердиев Нозимжон Нематович ИБРОҲИМ МЎМИНОВ ТАЛҚИНИДА АМИР ТЕМУРНИНГ ДАҲОСИ	194
33.	Эргашева Раъно Абдурасуловна АНТОНИО ЖЕНКИНСОН ЭКСПЕДИЦИЯСИ	205
34.	Болиев У. ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИДА ТАЛАБАЛАР ТАРБИЯСИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ	213
35.	Nakimova Nasiba Imomovna BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHILARINI PIRLS XALQARO BAHOLASH TADQIQOTLARIGA TAYYORLASH	218
36.	Axmedova Shahlo Olimdjonovna BOSHLANG'ICH SINFLARDA FAZOVIIY FIGURALAR TUSHUNCHASI	226
37.	Ходжимуродова Ўғилой Қодир қизи РАСМИЙ БИЗНЕС ЖАНРЛАРНИНГ КОММУНИКАТИВ –ПРАГМАТИВ ТАВСИФИ	231

## КАМОЛИДДИН БЕХЗОДНИНГ ШАРҚОНА ТАСВИРИЙ САНЪАТ УСЛУБИ ВА АСАРЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Жумабоев Наби Пардабоевич  
Гулистон давлат университети

**Аннотация:** Мақолада буюк мусаввир Камолиддин Беҳзоднинг ҳаёти ва ижоди, асарлари таҳлили, унинг нафақат Шарқ халқлари маданияти тарихида ўчмас из қолдирганлиги, жаҳон тамаддуни хазинасини ўзининг ажойиб қимматбаҳо дурдоналари билан бойитгани, бутун дунё цивилизацияси тарихида салмоқли ўрин олган буюк ва забардаст санъаткорлиги тўғрисида фикр билдирилган.

**Калим сўзлар:** маданият, санъат, нафосат ва гўзаллик, истеъдод, бадиийлик, ҳунарманд, мусаввир, наққош, ҳаттот, нигористон, ренессанс, композицион ечим.

## ANALYSIS OF STYLE AND WORKS OF ORIENTAL FINE ART OF KAMOLIDDIN BEKHZOD

Jumaboev Nabi Pardaboevich  
Gulistan State University

**Abstract:** In the given article was analyzed the life and work of the great artist Kamoliddin Bekzod, who left a mark not only on the history of culture of the people of the East, but also enriched the treasury of world civilization with magnificent masterpieces, a great and strong artist who played a significant role in the history of world civilization.

**Keywords:** culture, art, refinement and beauty, talent, artistic, craftsman, artist, painter, calligrapher, academy, Renaissance, compositional solution.

Тарих хотираси халқнинг, жонажон ўлкамизнинг, давлатимиз ҳудудининг холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш миллий ўзликни янгилашни, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутди. Имом ал Бухорий, Ҳожа Баҳовуддин Нақшбандий, Ҳожа Аҳмад Яссавий, Ал Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқа кўплаб буюк аждодларимиз миллий

маданиятимизнинг ривожланишига улкан ҳисса қўшдилар, халқимизнинг миллий ифтихори бўлиб қолдилар. Шулардан бири ўзининг такрорланмас ижоди, гўзал санъати ва ажойиб маҳорати билан нафақат Шарқ халқлари, балки бутун дунё халқлари маданияти тарихида сезиларли из қолдирган, унинг тараққиёти учун баракали ҳисса қўшган забардас мусаввир Камолиддин Бехзод бўлиб, у 1455 йилда Ҳиротда камбағал, хунарманд оиласида таваллуд топган. Бехзод унинг исми ёки тахаллуси эканлиги номаълум. Бехзод ота-онасидан жуда эрта ажралади, уни Мирак Наққош ўз тарбиясига олиб, вояга етказди ва ўзининг Ҳиротдаги “Нигористони”да (Санъат академиясида) унга наққошлик ҳунарини ўргатди. Бундай машҳур рассомнинг қарамоғида ўсиб улғайишнинг ўзи Бехзоднинг келажакда буюк санъаткор бўлиб етишишига замин яратган бўлишлиги мумкин. Шунингдек, Бехзоднинг моҳир санъаткор бўлиб етишувида яна ўша даврда Ҳирот муҳитидаги бир талай етук рассомлар, ҳаттотлар, мусикашуносларни бирлаштириб турган Санъат академияси ҳам катта роль ўйнаган.

Мирак Наққош Бехзоднинг устозларидан бири эди. Унинг миниатюра санъати бўйича устозларидан яна бири, бухоролик устоз Жаҳонгирнинг шогирди машҳур рассом Пир Сайид Табризий бўлган. Унинг устозлари ўз замонасининг машҳур рассомлари эди. Мирак Наққош манзара асарлар устаси ва ажойиб ҳаттот бўлиб танилган. Пир Сайид Табризий эса буюк мусаввир эди. Бехзоднинг асарларидаги ўзига хос хусусиятларда устозларнинг таъсири каттадир. XVI асрнинг бошларигача Ҳирот шаҳри ривожланган маданият марказига айланган бўлиб, Ўрта Шарқда унга тенг келадиган шаҳар йўқ эди. Бундай муваффақиятларни қўлга киритишда Султон Ҳусайн Бойқаронинг хизмати жуда катта эди. Бобур ўз хотираларида завқланиб шундай ёзади: “Ҳириниким рубъи маскунда андоқ шаҳар йўқтур ва Султон Ҳусайн Мирзонинг замонида мирзонинг тасарруфидин ва такаллуфидин Ҳиротининг зеб ва зийнати бирга ўн, балки йигирма тараққий қилиб эди” [1:252].

Бехзоднинг дастлабки ижоди Султон Ҳусайн Байқаро саройида ва у ердаги жуда кўп шоир, олим, санъаткорларнинг ҳомийси Мир Алишер Навоий раҳнамолигида бошланади. У Алишер Навоийнинг устози Абдурахмон Жомий, Ҳиротдаги ҳаттотлар устози Султон Али Машҳадий билан яқин алоқада бўлиб, ижод қилади. Санъат ва нафосат иштиёқи кучли бўлган Бехзод меҳнатсеварлиги, заҳматкашлиги туфайли Ҳиротда машҳур мўъжаз рангтасвир устаси бўлиб етишди. Шундан сўнг подшо Султон Ҳусайн Байқаро Бехзодни ўз ҳузурига – саройга жалб қилади ва унга махсус жой ажратиб, ижодий ишларига ҳамма шароитларни яратиб беради. 1487 йилда Камолиддин Бехзод подшонинг шахсий фармони билан Ҳиротдаги салтанат кутубхонасининг бошлиғи этиб тайинланади. Шоҳ фармони (1487 йил 22 июль)да шундай дейилган эди: “Ижод

яратиш корхонаси мусаввирнинг иродаси, еру осмон нигорхонаси муҳаррирнинг қудрати билан. ҳукм қилурмизки, аср нодири, мусаввирлар пешвоси. устоз Камолддин Бехзод Хумоюн кутубхонаси аҳлига: китоб, наққош, музаҳҳиб, жадвалкаш, халқор ва заркубларга, шунингдек, мазкур ишларга мансуб бўлган Аллоҳ паноҳидаги бутун мамлакат жамоасига бошчилик мансаби топширилсин”.

1506 йилда Ҳусайн Байқаро вафотидан сўнг тахт кўчманчи ўзбек қабиаларининг хони Шайбонийхон қўлига ўтди. Шайбонийхон ҳам Бехзод ижодига ҳурмат билан қараб, унга тегишли шароитлар яратиб беради. 1510 йилда Эрон Сафавийлар салтанати Шайбонийхонга қарши уруш очиб, уни енгади. Шайбонийхон жангда ҳалок бўлади. Шох Исмоил Сафавий 1512 йилда Ҳиротдаги бир неча истеъдодли санъаткорларни ўзи билан Ҳиротдан Табризга олиб кетади. Улар орасида Камолддин Бехзод ва унинг бир қатор шогирдлари ҳам бор эди. Бу ерда Бехзод ўзининг шогирдлари билан мўъжаз рангтасвирининг йирик мактабини яратди. 1514 йилда турк подшоси Эронга ҳужум қилади. Уларнинг қўли баланд келишини билган Эрон шоҳи Исмоил Камолддин Бехзод ва машҳур ҳаттот Шох Маҳмуд Нишопурийни турклар олиб кетиб қолишидан хавфсираб, уларни бир ғорга яшириб қўйишга фармон беради. 1522 йилда Шох Исмоил Сафавий махсус фармон билан Бехзодни Табриздаги салтанат кутубхонасининг бошлиғи этиб тайинлайди. Бехзод ўз асарларининг кўп қисмини ўз она юрти – Ҳиротдан узоқда, яъни Табризда яратди. Эрондаги жангу жадаллар, алғов-далғов ва ур-йиқитлар Бехзоднинг ўз устозлари ва яқин дўстларидан узоқда яшаши унинг, ҳаёти ва ижодига салбий таъсир кўрсатди. Шунинг учун ҳам мусаввир “Туялар жанги” номли асарини яратганда унинг бир чеккасига “қаламишикаста, номурод, фақир Бехзод умри 70 дан ошганда ушбу ишга қўл урди”, деб ғам-андух билан имзо чеккан эди. Шунга қарамадан Бехзод Эронда кечирган ғам-андух, ғурбат-азоблари олдида, чекинмади, нафосат ва гўзаллик оламига, табиат, жамият ва инсонга бўлган кучли муҳаббат, уни ижодга бўлган жўшқин иштиёқни доимо илгари етаклади.

Камолддин Бехзоднинг “Ҳусайн Байқаро” ва “Шайбонийхон” суратлари мусаввир ижодида муҳим ўрин тутди. Унда Ҳиротда Султони Ҳусайн Байқаро шоҳларга хос қиёфада, унинг салобати билан чўккалаб ўтирган ҳолда тасвирланган. Унинг кенг елкали гавдаси, қийиқ кўзи, япалоқ юзи, шоҳона либослари шундай ҳаққоний ва усталик билан ишланганки, унинг гавда тузилишидаги ўлчов нисбатлари, кийим-кечакларни кўриб, XVI асрда бундай истеъдодли рассом бўлганлигидан хайратланади киши. Суратнинг тагига “Тасвири Султон Ҳусайн Мирзо – Бехзод”, ундан ҳам қуйироқда “Ал-фақир Бехзод” деган сўзлар ҳам ёзилган. Бехзоднинг “Султон Ҳусайн Мирзо саройида зиёфат” номли асарида оқшом пайтида гўзал боғ ичидаги зиёфат акс

эттирилади. Султон Ҳусайн Бойқаро ўз аёнлари билан панжаралар билан ўралган катта супа устида ўтирибди. Суратнинг юқори ўнг бурчагида хизматкорлар май куйиш билан овора, у ерда шарбат солинадиган хумлар, кўзачалар бор. Эшик олдидаги оқ рўмолли хабаши хизматкорлар елкаларидаги обкаш билан хумчаларда шарбат ташимокдалар. Бошида сават кўтариб олган яна бир хабаши хизматкор мева-чеваларни супа томон элитмокда. Унинг олдида хум кўтариб, супа томон кетаётган яна бир хизматкор тасвирланган. Суратнинг паст ва чап томонида сарой ходимларидан учтаси маст ҳолда акс эттирилган. Ўртада икки киши қадахларга шароб куйишмокда. Хуллас, саройда шоҳлар турмушига хос бўлган ходиса тасвирланганки, мусаввир уни ҳам композицион, ҳам ранг, ҳам мазмун, ҳам бадиийлик жиҳатдан моҳирона акс эттира олган.

Камолиддин Беҳзоднинг машҳур асарларидан яна бири “Самарқанддаги масжидда” (“Масжид қурилишида”) деб номланади. Бу асар Низомийнинг “Ҳамса” номли асарига ишланган бўлиб, ҳозирда Лондондаги миллий кутубхонада сақланади. Унда йирик масжид қурилиши акс этган. Бу асарда қурувчилар уч гуруҳга бўлиб тасвирланади. Биринчиси – энг юқорида акс этган ғишт терувчилар, иккинчиси – ўртадаги ёрдамчилар (материал етказиб берувчилар), учинчиси – тайёрловчи (ғишт ва тоштарошлардир). Суратнинг юқори ва ўрта қисмидаги йўл-йўл саллали, теша ва ғишт ушлаган киши уста тасвири бўлса керак. Суратдаги қурилиш шундай бир муҳим биноки, уни қурувчилар зўр шижоат ва кўтаринкилик билан қуришмокда. Мусаввир буни билдириш учун уларнинг ҳаммасини ҳаракатда тасвирлаган, биронта ҳам дам олаётган ёки томошабин бўлиб турган бефарқ одам йўқ. Уларни кузатаётган назоратчи ҳам йўқ. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, бино қурилишидаги кишилар қуллар эмас, ўз хохиши билан ишлаётган кишилардир. Сурат бизга ҳалқимиз тарихи, унинг турмуш тарзи, меҳнати, кийимлари, меҳнат қуроллари (теша, чўкич, нарвон, бел, тоғора, арқон ва б.), қурилиш материаллари, бинолар тузилиши ҳақида айрим маълумотларни беради. Асар орқали мусаввир аجدодларимизнинг меҳнатга муносабати, ислом йўлидаги саъйи-ҳаракатларини ҳаққоний акс эттиради.

Беҳзод салкам бир аср ҳаёт кечирди. Унинг ҳаёти ва ижоди Шарқ ҳалқлари, жумладан, Ўрта Осиё ҳалқлари маданиятида муҳим аҳамият касб этади. У ўз ижоди давомида Султон Муҳаммад, Қосим Али, Дарвиш Устод Муҳаммадий, Музаффар Али, Юсуф Мулла, Рустам Али, Шайхзода Хурсоний, Шоҳ Музаффар, Мирсаид Али, Маҳмуд Музаҳҳиб, Абдулло каби кўплаб шогирдлар тайёрлади. Камолиддин Беҳзод ижоди Ҳирот, Табриз, Бухоро, Самарқанд, Шероз, Исфохон, Истамбул, Хиндистон мўъжаз рангтасвир мактаблари ривожига катта таъсир кўрсатди.



Камолиддин Бехзоднинг ижодини Шарқ ва ғарбдаги кўпгина буюк кишилар юксак баҳолаганлар. Хусусан, уни “Шарқ Рафаэли” деб аташгани бежиз эмас.

Буюк тарихчи Хондамир “Хабиб-ус-суяр” номли асарида Камолиддин Бехзод ҳақида шундай деб ёзган эди: “Камолиддин Бехзод ажойиб ва ғаройиб суратларни зоҳир қилувчи, ҳунар нодирликларини бунёд этувчи, Моний каби сурат чизувчи мўйқаламли, олам мусаввирлари асарларини йўққа чиқарувчи ва мисли йўқ бармоқлари билан бани одам ҳунармандлари тасвирларини махв қилувчидир..” Шайбонийхон, Васиций ва бошқалар, уни жонсиз нарса тасвирга жон бағишловчи мўйқалам соҳиби деб таърифлаганлар.

Бехзод ижоди фақатгина XV-XVI асрлар Мовароуннаҳр маданий ҳаётида аҳамиятли бўлибгина қолмай, балки бутун Шарқ, ҳаттоки Европада китоб графикасининг ривожланишида муҳим аҳамият касб этди. XVI асрда Европада босмаҳонанинг кашф этилиши китоб графикасининг ривож топишига имкон беради. Бехзоднинг ҳаёти ва ижоди таъсирида XV-XVI асрларда Ўрта Осиёда (Мовароуннаҳрда) тасвирий санъатда кескин бурилиш рўй берди, олим ва санъаткорлар уни санъат тарихида Ўйғониш (Ренессанс) даври деб атадилар. Бехзоднинг асарлари юксак кадрланиб, Ўзбекистондан ташқари, АҚШ, Буюк Британия, Туркия, Россия, Эрон, Франция, Германия, Миср каби бир қатор мамлакатларнинг кутубхоналарида авайлаб сақланмоқда. Тошкентдаги миллий рассомчилик ва дизайн институти Камолиддин Бехзод номига қўйилган. Тошкентда Камолиддин Бехзод ҳаёти ва ижодига бағишланган музей бор.

А.Маълумки Шарқ миниатюра рангтасвири маълум даврларда катта шуҳрат қозонди. Унинг шуҳрати ҳозирги даврда ҳам кўпгина Шарқ ва Ғарб шарқшуносларининг эътиборини ўзига қаратиб келмоқда. У ўзининг ишланиш услуби, безакдорлиги билан Ғарб санъатидан кескин фарқ қилади. Шунинг учун ҳам Шарқ миниатюра мактаби асарларини, унинг намоёндалари фаолиятини ўрганиш тасвирий санъатдан тўғрақ машғулоти жараёнида ўқувчилар учун фақат турли санъат мактабларини билишда аҳамиятли бўлибгина қолмай, балки Шарқ санъатининг ўзига хос хусусиятлари ўша даврдаги халқ ҳаётини билиб олишга ёрдам беради.

Бехзод XX – XXI аср олимлари талқинида: Бехзод ҳақли равишда улуғ санъаткор рассом Бехзоднинг мўйқалами ҳақиқатан том маънода сеҳргардир. Бўёқларнинг майин гўзаллиги, доимий оҳанги, япроқларнинг ёрқин кўзга ташланган маъноси билан бу рассом ўз санъатининг қайта келмас бир моҳиридир (Ойбек).

У жаҳон тасвирий санъатининг буюк арбоби. Хусусан, ўзбек миллий тасвирий санъатининг илк намоёнчаси. Айни пайтда жаҳон цивилизациясига, шу соҳа тараққиётига кучли таъсир ўтказган зотлардан (А.Қаюмов).

Бехзод яратган миниатюралар Навоий асарларини чуқур тушунишга, англашга, таҳлил қилишга ёрдам беради. Суратлар ёрдамида Навоий сатрларини, мазмун - моҳиятини англаш осонлашади (А.Ҳайитметов).

Хуросон ўлкаси пойтахти Ҳиротда дунёга келган Камолиддин Бехзод ўз даврининг буюк рассоми, «Монийи соний» унвонига сазовор бўлиб, аср нодири, XV аср иккинчи ярми Ҳирот миниатюра мактаби асосчиси сифатида шуҳрат қозонди (М.Хайруллаев).

Бехзод ижодини ўрганиш фақатгина санъатнигина эмас, балки ўша давр тарихини ўрганиш демакдир. Буюк мусаввирнинг асарлари ўсиб келаётган ёш авлод учун битмас-туганмас хазинадир. Бу эса бизда мана шундай аждодларнинг авлоди эканлигимиздан фахрланиш, шу билан бирга зиммамизга уларга муносиб ворис бўлиш масъулиятини юклайди.

### Фойдаланилган Адабиётлар

- [1] Заҳириддин Муҳаммад Бобур, *Бобурнома*, Тошкент, 2014
- [2] *Шарқ миниатюра мактаблари*, Мақолалар тўплами, Нафосат олами, Тошкент, 1989
- [3] Б.Орипов, А.Турдалиев, *Тасвирий санъатни ўқитиш методикаси*, Тошкент, 1991
- [4] Н.Норматова, *Тасвирий санъат атамалари лугати*, Ўзбекистон бадиий академияси, Тошкент, 1998
- [5] Н.Абдуллаев, *Ўзбекистон санъати тарихи*, Тошкент, 2007
- [6] О.Усмонов, *Камолиддин Бехзод ва унинг наққошлик мактаби*, Фан, Тошкент, 1977

### ИНТЕРНЕТ МАНБАЛАРИ

- [1] [ziyouz.uz](http://ziyouz.uz)
- [2] [arboblar.uz](http://arboblar.uz)

### REFERENCES

- [1] Заҳириддин Муҳаммад Бобур, *Бобурнома*, Тошкент, 2014
- [2] *Шарқ миниатюра мактаблари*, Мақолалар тўплами, Нафосат олами, Тошкент, 1989
- [3] Б.Орипов, А.Турдалиев, *Тасвирий санъатни ўқитиш методикаси*, Тошкент, 1991
- [4] Н.Норматова, *Тасвирий санъат атамалари лугати*, Ўзбекистон бадиий академияси, Тошкент, 1998
- [5] Н.Абдуллаев, *Ўзбекистон санъати тарихи*, Тошкент, 2007
- [6] О.Усмонов, *Камолиддин Бехзод ва унинг наққошлик мактаби*, Фан, Тошкент, 1977

## INTERNET SOURCES

- [1] [ziyouz.uz](http://ziyouz.uz)
- [2] [arboblal.uz](http://arboblal.uz)